

Киберфирибгар тузоғига тушиб қолмаслик учун ёрдам берадиган фойдали ресурслар

// 05.08.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kiberfiribgar-tuzogiga-tushib-qolmaslik-uchun-yordam-beradig>



1 @cyberqalqonbot

Агар сизга шахсий хабарда номаълум ёки шубҳали файл юборилган бўлса, уни ботга юборишингиз кифоя. Бот қисқа вақт ичида файлни таҳлил қилиб, унинг зарарли ёки хавфсиз эканлиги ҳақида маълумот беради. Бу эса вируслар, зарарли дастурлар ва фирибгарлар юборган файлларни очишдан олдин хавфни аниқлаш имконини яратади.

2 [Xavfsizlink.uz](https://xavfsizlink.uz)

- Киберфирибгарликлар, сохта ҳавола ва сунъий интеллект ёрдамида яратилган шубҳали контентларга дуч келганингизда, барчасини битта платформа орқали текширишингиз мумкин.
- Шубҳали ҚР-кодларни текширади
- ҚР-кодни ёки у жойлашган файлни юкланг ва текширинг.
- Файлларни қанчалик хавфсизлигини таҳлил қилади
- Мисол учун, ".дос, .досх, .хлс, .хлсх .пдф, .эхе, .бат, .апк" каби форматдаги файллар
- Шубҳали ҳаволаларни аниқлайди
- Ҳаволани юборинг ва унинг хавфсизлигини баҳоланг.

- Видео ёки расм ҳақиқийлигини ажратишда кўмаклашади.
- Видео ёки расмни юкланг ва унинг сунъий интеллект ёрдамида яратилган ёки ҳақиқий эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи таҳлил натижасини олинг.

3□ [“Check Permission” ilovasi](#)

"Андроид" операцион тизими учун мўлжалланган ушбу дастур иловаларни автоматик таҳлил қилиб, зарарли илованинг ўрнатилишини олдини олади. Аввалдан мавжуд зарарли илова аниқланса, бу ҳақида фойдаланувчига тезкор билдиришнома (нотифисатион) юборилади. Доимий равишда иловага кириб, қурилмада вирус бор ёки йўқлигини текшириш шарт эмас.

Энг асосийси офлайн режимда ҳам ишлайди.

Ҳурматли фуқаролар!

Юқоридаги маҳсулотлар Киберхавфсизлик маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, барча фойдаланувчилар учун бепул хизмат кўрсатади.

Ушбу воситалардан фойдаланиш ва кибергигиена қоидаларига амал қилиш орқали шахсий маълумотларингизни ҳимоя қилинг.